# ХАЛҚНИНГ ОВОЗИ — ЭНГ ЮКСАК БАҲО


# Қишлоқ ҳаёти

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий газетаси

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1999 йил 26 НОЯБРЬ, жума, № 89 (6.045). Сотувда эркин нархда


## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖЎҚОРҒИ КЕНГЕСИ, ВИЛОЯТЛАР ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШЛАРИ ДЕПУТАТЛАРИ, «АДОЛАТ» ВА «ВАТАН ТАРАҚҚИЁТИ» ПАРТИЯЛАРИ ҚУРУЛТОЙЛАРИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Ҳурматли ватандошлар!

Халқ депутатлари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашлари сессияларида, сиёсий партиялар қурултойларида менинг номзодим бўлажак сайловларда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилгани учун чин юракдан самимий миннатдорлигимни билдираман.

Сизларнинг бу юксак ишончингиз менга куч-ғайрат бағишлаши билан биргаликда зиммамга катта масъулият юклашини ҳам чуқур ҳис этаман.

Бундан буён ҳам бағри кенг ва танти халқимизнинг менга боғлаётган орзу умидларини рўёбга чиқариш, тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, бахтли ва фаровон турмуш кечиришлари учун шароит яратиш, озод Ўзбекистоннинг барқарор тараққиётини изчил давом эттириб, жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузини янада ошириш йўлида ўзимнинг меҳнатим, билим ва тажрибамни аямайман.

Озод ва обод Ватан барпо этишдек эзгу, муқаддас ниятга эришиш йўлида қилаётган бунёдкорлик ишларингизда барчангизга зафарлар тилайман.

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти.**

# ПРЕЗИДЕНТЛИККА НОМЗОДЛАР РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

2000 йил 9 январ — Президент сайловлари куни. Аввал хабар берганимиздек, «Фидокорлар», «Адолат», «Ватан тараққиёти» партиялари қурултойларида ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари сессияларида бўлажак сайловларда Президентликка Ислом Каримов номзоди кўрсатилган эди. Марказий сайлов комиссиясидан олинган хабарларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бўлажак сайловларда Фидокорлар миллий-демократик партияси номзоди сифатида иштирок этишга ўз розилигини билдирган. Шунингдек, Ислом Каримов Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари депутатлари, «Адолат» ва «Ватан тараққиёти» партиялари қурултойлари қатнашчиларига ўз номзодини Президентликка кўрсатганликлари учун самимий миннатдорлик изҳор этган.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўз қурултойида мазкур партия биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов номзодини Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига кўрсатган эди. Абдулҳафиз Жалолов бўлажак сайловларда Халқ демократик партияси номзоди сифатида иштирок этишга розилик берган.

24 ноябр куни Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни Марказий сайлов комиссияси Раиси Н. Комилов бошқарди. Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 25-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Фидокорлар миллий-демократик партияси томонидан кўрсатилган Ислом Абдуғаниевич Каримов ҳамда Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан кўрсатилган Абдулҳафиз Марахимович Жалолов Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олиндилар.

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ*

### ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД ЭТИБ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодни рўйхатга олиш юзасидан Ўзбекистон Фидокорлар миллий-демократик партияси тақдим этган ҳужжатларни кўриб чиқиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. А. Каримов**нинг Фидокорлар миллий-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида номзоди овозга қўйилишига розилик аризасига кўра «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 25-моддасига мувофиқ,

Марказий сайлов комиссияси
**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Ўзбекистон Фидокорлар миллий-демократик партияси томонидан кўрсатилган Ислом Абдуғаниевич Каримов Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинсин.

**Марказий сайлов комиссиясининг Раиси**
**Н. КОМИЛОВ.**

Тошкент, 1999 йил 24 ноябр.

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ*

### АБДУЛХАФИЗ МАРАҲИМОВИЧ ЖАЛОЛОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД ЭТИБ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодни рўйхатга олиш юзасидан Ўзбекистон Халқ демократик партияси тақдим этган ҳужжатларни кўриб чиқиб ҳамда Ўзбекистон Халқ демократик партияси биринчи котиби, Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институти директори **А.М. Жалолов**нинг Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида номзоди овозга қўйилишига розилик аризасига кўра «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 25-моддасига мувофиқ,

Марказий сайлов комиссияси
**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан кўрсатилган Абдулҳафиз Марахимович Жалолов Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинсин.

**Марказий сайлов комиссиясининг Раиси**
**Н. КОМИЛОВ.**

Тошкент, 1999 йил 24 ноябр.

Шунингдек, мажлисда кун тартибига киритилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлов ўтказувчи айрим округ сайлов комиссиялари таркибларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди ва тегишли қарор қабул қилинди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайловига тайёргарлик кўриш юзасидан Тошкент шаҳридаги 20-Шайхонтоҳур ва Наманган вилоятидаги 85-Тўрақўрғон округ сайлов комиссиялари раисларининг ҳисоботлари ҳам тингланди. Округ сайлов комиссиялари зиммасига сайловолди ташвиқотини янада уюшқоқлик билан ўтказиш, номзодлар билан учрашувларнинг адолатли, тенг ва демократик тамойиллар асосида ўтказилиши учун шарт-шароит яратиш, сайлов участкалари фаолиятини янада жонлантириш вазифалари юклатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайловларига тайёргарлик кўриш юзасидан Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлигининг ахбороти тингланди.

Олий Мажлис сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг овоз бериш натижалари тўғрисидаги баённомаларини жойларда қабул қилиб олишни уюштириш тўғрисидаги ахборот тингланди.

Шунингдек, Марказий сайлов комиссияси ваколатлари доирасига кирувчи бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

**(ЎзА).**



**Бугунги кунда ҳар бир сайлов округида сайловга тайёргарлик ишлари қизғин олиб борилмоқда. Масъул кишилар, жамоатчилик сиёсий анжуманга алоҳида тайёргарлик кўрмоқда.**

**СУРАТДА: Бекобод туманидаги «Хос» ширкат хўжалиги раиси Раҳматжон Деҳқонбоев (чапдан), қишлоқ фуқаролар йиғини котиби Ибодат Низаева, қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Қаҳрамон Мамаюсуповлар навбатдаги қилинадиган ишлар хусусида суҳбатлашмоқда.**

**Шавкат АКРАМОВ олган сурат.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисида 1999 йилнинг 21 ноябрида Қамчиқ довонида рўй берган табиий офат оқибатлари тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Довонда қор кўчиши натижасида одамлар қурбон бўлди.

Қамчиқ довонида жабрланганларга ёрдам кўрсатиш, Тошкент-Қўқон автотрассасида йўл ҳаракатининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Ҳукумат комиссияси тузилди.

Ўзбекистон раҳбарияти ва ҳукумати марҳумларнинг оила аъзолари, яқинлари ва қариндошларига чуқур таъзия изҳор қилади.

**(ЎзА)**

## КУН ТАРТИБИДА — САЙЛОВГА ТАЙЁРГАРЛИК

Нукусда Қорақалпоғистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда сайловга тайёргарлик, сайловчиларнинг номзодлар билан учрашувлари қандай ташкил этилаётгани, бу борада оммавий ахборот воситаларининг роли каби масалалар муҳокама этилди.

Мажлисда сайловолди ташвиқот-тарғибот ишлари, номзодлар билан учрашувлар сайловлар тўғрисидаги қонунлар асосида адолатли, ошкоралик вазиятида ўтаётгани таъкидланди. Сайлов округлари ва участкалари сайловчиларнинг овоз бериши учун зарур барча воситалар билан таъминланган. Шу билан бирга, Беруний, Чимбой туманларидаги баъзи участкаларда бу борадаги ишларда сусткашликка йўл қўйилаётир.

**(ЎзА)**

# ҚОНУНЛАРИМИЗ ХАЛҚ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

***дейди Олий Мажлис депутатлигига номзод***

**Фарруха МУХИТДИНОВА сайловчилар билан учрашувда**

**ДЕМОКРАТИЯ САБОҚЛАРИ**

— Яқинда бир китобни ўқиб, қонунларни ёшлар қаердан ўрганиши ҳақидаги маълумотга кўзим тушди, — деди Олий Мажлис депутатлигига номзодга савол бериб, Қорахитойдаги сайловчилар йиғилишида сўзга чиққан Жалол Файзиев. — Маълум бўлишича, ёшлар қонунларни манбалари кўрсатилмаган жойлардан ўн фоиз, каттталардан ўн етти фоиз, ота-оналардан ўн бир фоиз суд ва милиция ходимларидан беш фоиз, радио ва телевидениедан тўққиз фоиз, ўқитувчиларидан икки фоиз ўрганар экан. Ўқувчилар ўртасида ҳуқуқий билимларни ўрганиш шу даражада бўлса, балоғатга етмаган болаларнинг аксарияти ҳатто қайси ёшдан бошлаб жиноий жавобгарлик мажбурияти бошланишини билмаслигига ажабланмаса ҳам бўлади. Ҳукумат бундан кейин ёшлар ўртасида ҳуқуқий билимларни тарғиб қилиш ишини қай даражада амалга оширади?

Ушбу саволга жавоб бериб Фарруха Мухитдинова айтдики, халқимиз, Президент, Олий Мажлис, ҳукумат қандай фармон, қонун, қарор қабул қилаяпти бундан тўла хабардор бўлиши керак. Тайёрланаётган қонунлардан ҳам аҳоли бохабар бўлиши учун ҳозирги пайтда амалий тадбирлар белгиланган. Жумладан мактабларда ўқитилаётган «Давлат ҳуқуқи асослари» фанининг кўлами ва мазмуни анча кенгайтирилди, бундан ташқари тайёрланаётган қонунлар лойиҳаси муттасил матбуотда эълон қилиб борилмоқда, радио ва телевидение бу ишга анча батафсилроқ киришган. Олий Мажлиснинг қонунлар мажмуалари нашр этилмоқда. Инсон жиноятчи бўлиб туғилмайди, балки жиноятчига айланиши мумкин. Жамоатчилик, мутахассислар ана шу жараённи ўз пайтида пайқаб, унинг сабабларини аниқлаб, бартараф этишга ҳаракат қилишимиз зарур. Аммо, мен бола тарбиясини телевизор ва кинофильмларга ташлаб қўйилишига қатъий қаршиман, — деди Ф. Мухитдинова.

**(Давоми 2-бетда)**

# ИШБИЛАРМОНЛАР ТАЯНЧИ



Маълумки, республикамизда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, молия ва

**БАНК ТИЗИМИ**

монитор-кредит тизимини мустаҳкамлаш, хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш жараёнларини жадаллаштириш, янги мулкдорлар синфини шакллантиришга қаратилган ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Республикамизда тадбиркорликни ҳамда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга «Тадбиркорбанк» ўз ҳиссасини қўшмоқда.

**(Давоми 2-бетда)**

# ЖАРАЁН

Яқинлашиб келаётган сайловларнинг жамиятимизда демократиялашни чуқурлаштиришга нечоғлик улкан хизмат қилиши шу бугуноқ аён бўлиб қолди. Биз унинг мисолида мамлакатимиздаги сиёсий плюрализм, яъни турфа фикрликнинг тадрижий ривожини равшан ҳис эта бошладик. Наздимизда ушбу тадрижнинг барқарор маромини сақлашга эришолсак мамлакатимизнинг жаҳондаги энг мутараққий ва энг демократик давлатлар сафига чиқиши янада тезлашади.

**АРАФА**

Зеро, сиёсий партияларнинг мавжуд қонунлар асосида ҳокимият учун курашуви, пировардида ўз вакиллари орқали бошқарувда иштирок этиши, бир сўз билан айтганда, демократик тизим башарият тафаккури яратган бебаҳо маънавий-ҳуқуқий бойлик, тараққиётнинг юксак мезонидир. Барча халқлар, давлатлар ана шу бойликдан баҳраманд бўлишга, ана шундай юксак мезонлар асосида яшашга интиладилар. Таниқли инглиз давлат арбоби Уинстон Черчилл ҳазиллашиб, «Демократия унча яхши нарса эмас, лекин инсоният ҳозирча шундан яхшироғини ўйлаб топгани йўқ», деган экан. Ҳазил, албатта, ўз йўлига. Аммо жиддий гап шуки, демократия тамойилларини жорий этишга киришган ҳар қандай мамлакат, ҳар қандай жамият ўз зиммасига ғоят улкан масъулият олади.

Шу нуқтаи назардан, очиқ гап, яқин қўшни мамлакатларда, Марказий Осиё минтақасининг каттагина қисмида халқаро терроризмнинг совуқ нафаси эсиб турган айни мураккаб кунларда юртимизда демократиялаш жараёни тобора кенгайтирилиб ва чуқурлаштирилиб борилаётганлиги мамлакатимиз раҳбариятининг дадил, мардона ва оқилона сиёсати ҳосиласидир.

Ўзбекистон очиқ, инсонпарвар ва демократик жамият қуриш йўлидан қатъият билан бораётганлиги унинг чиндан ҳам «ўзига хос ва ўзига мос» йўли, модели борлигини яққол исботлайди. Энг муҳими бу модел қанақадир ғайритабиий, айрича мазмунда эмас, балки жаҳон тараққиёт жараёнларига мувофиқ ва мутаносиб, умуминсоний ҳамда миллий қадриятларни уйғунлаштирувчи, ҳаттоки, таъбир жоиз бўлса, бутун дунёда ўрганишга, қўлланишга

**(Давоми 2-бетда)**

**ТАНЛАНГ ВА САЙЛАНГ**

# ЭЗГУЛИК УРУҒИ УНАДИ

***Серқуёш диёримизнинг барча жойларида сайловолди ташвиқот ишлари — депутатликка номзодларнинг ўз сайловчилари билан учрашувлари бўлиб ўтмоқда.***

***Мухбиримиз шу муносабат билан Қорақалпоғистон Республикаси Марказий сайлов Комиссияси раиси Ерназар Жуманазаров билан суҳбатда бўлди.***

***— Ерназар ака, сайлов кампаниясининг дастлабки босқичи бўйича Қорақалпоғистонда қандай ишлар амалга оширилди?***

— «Қорақалпоғистон Республикаси Марказий сайлов Комиссияси тўғрисида»ги Қорақалпоғистон Республикаси Қонунига мувофиқ тузилган Марказий сайлов комиссиямиз аъзолари ўз ваколатлари доирасида муайян ишларни амалга оширди. Округ сайлов комиссиялари тузилди. Уларнинг жойлашган манзиллари тўғрисидаги маълумотлар эълон қилинди. Сайлов участкалари тегишли округларга бириктирилди.

Республикадаги сиёсий партиялардан ҳокимият вакиллик органларининг раҳбарларидан, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан ўзлари тавсия қилаётган депутатликка номзодларни рўйхатга олишни илтимос қилиб берилган барчаси тўлиқ

**(Давоми 2-бетда)**

# ҚОП КЎТАРГАН ХОТИНЛАР

**МАВЗУ**

Ишдан қайтаётиб, рўзғор зарурияти учун керак нарсаларни харид қилиш ниятида Сирғали деҳқон бозорига бордим. Бозор расталарининг пештахталаридан хўл ва қуруқ мевалар, сабзавот ва полиз маҳсулотларининг истаган хилини топишингиз мумкин. Бозорларимиздаги бу тўкинчиликни кўриб, шундай саховатли юртда яшаётганлигимиздан, яратганга шукрлар айтдим.

Маҳсулотлар нархи билан қизиқаман. Тўғриси бироз қиммат. Лекин бу ҳақиқий деҳқонча нарх эмас, сунъий нарх. Буни унча мунчанинг чўнтаги кўтармайди. Ноилож, керак экан оласиз.

Аммо бозорда мени лол қолдирган нарса маҳсулотлар ранг-баранглигию нарх-наво эмас. Пештахталар ортида туриб, сотаётган нарсасини ўзи етиштириб қўйгандай мақтаб, харидор чорлаётган «деҳқон»-сотувчилар бўлди. Чунки мени ажаблантирган нарса бозордаги сотувчиларнинг бир қанчаси менга маҳалладош эдилар. Уларнинг баъзилари хурмо, анор, узум, олма сотаётир. Қолганлари ҳам шунга ухшаш нарсалар. Ваҳоланки уларнинг ҳовлисида ёки томорқасида бу мевалар етиштирилиши у ёқда турсин, ҳатто кўкарган бирор бир ниҳолни ҳам кўрмайсиз. Кўпларининки йил бўйи экинсиз қақраб ётади ёки жуда хафсала қилса макка ёки беда экиб қўяди.

Албатта мен бозордаги барча ҳамқишлоқларимни бирдек олиб-сотар демоқчи эмасман. Уларнинг орасида ҳам йил бўйи томорқасида меҳнат қиладиган, пешона тери билан етиштирган ҳосилини истаган нархида, лекин инсоф билан сотадиган ҳалол деҳқонлар бор.

Кейинги вақтда бозорларимиздаги сотувчиларга эътибор берган бўлсангиз кўпчилигини аёллар, қиз-жувонлар ташкил этади. Шунда беихтиёр савол туғилади. «Нима юртимизда кечаётган иқтисодий ислоҳотлар жараёни кўпроқ аёлларга таъсир қилаётирми?» Ёки биз эркаклар бозордаги олди-сотти ишларига нўноқмизми? Тижорат қилишга эркаклик ғуруримиз йўл қўймайдими? Лекин шу ўринда бозорма-бозор хотинини қоп орқалатиб қўйиб, ўшанинг топиб келган уч-тўрт сўми билан рўзғор тебратаётган эркакда қандай ғурур ҳам бўлиши мумкин?

**(Давоми 3-бетда)**

## КЕЛГУСИ СОНДА:

- МУЛКИЙ МУНОСАБАТЛАР, ПАРТИЯЛАР ВА САЙЛОВЛАР
- ЯЙРАБ ИШЛАГАНГА НИМА ЕТСИН
- ТУЗ ҲАҚИ — МУҚАДДАС

# НОБОП ХОНАДОН ТАШВИШЛАРИ

**ВОҚЕИЙ ҲИКОЯ**

Биз минган автобус, ниҳоят, қишлоқ мактаби биқинидаги ялангликка келиб тўхтаганида қош қорайиб қолган, ғира-ширада афт-ангори кўринмаса-да, ярим давра ясаб турган тўрт-беш киши автобусдан туша бошлаганларга энсаси қотиб ўгирилгани сезилди. Мен автобуснинг ичкарисида ўтирган жойимдан мезбонлардан бирининг ижирғаниб, «Яна келди...» дегани қулоғимга чалинди. Музокара олиб боришни катталар ихтиёрига топшириб, автобусдан секингина тушдим-да, ҳеч ким билан салом-алик қилмай (мен билан салом-алик қилишга кўзи учиб турган кимса йўқ эди, албатта) бир ўзим нари кетдим. «Далада ҳосилнинг тайини йўғу... Ҳашарчилар кўпайиб кетди, уларга жой йўқ» деган узуқ-юлуқ гаплар қулоғимга етиб келиб турди.

Қизиқ, теримни жадаллаштириш керак, деб карвон-карвон қилиб ҳашарчиларни шаҳардан жўнатишади, бу ерда эса уларни қарши оладиган, жойлаштирадиган на одам бор, на шарт-шароит!.. «Ҳой, барака топгурлар, менга қаранглар!» деб дағдаға қилиб боришдан аранг ўзингни босиб турасан, ахир бизга шохона меҳмонхона, кунига тўрт маҳал иссиқ овқат шарт эмас, кечагина талабаликдан чиққан ёш-яланглармиз, кўрпа-қопчиқларни тўшашга тақир ер бўлса кифоя!.. Ўзимни чалғитиш мақсадида ғира-ширада милт-милт кўрина бошлаган митти юлдузчаларни излайман.

Шу хаёлда турганимда чоққина ариқ ёқасидаги қўш толга туташ дўнгликда чўнқайиб, тиззаларини қучиб ўтирган йигитга кўзим тушди. Мактаб биноси, унинг ён-атрофидаги ҳашарчи йигит-қизларнинг қувноқ гангур-гунгури садолари остида бу йигитнинг ёлғиз қунишиб ўтириши менга таъсир қилди.

— Ҳашарчимисиз, оғайни? — деб сўрадим ўйламай-нетмай.

— Йўқ, шу ерликман, — деди йигит гаплашишни истамагандек оҳангда.

— Қишлоқда аҳоли сийракми? — сўрадим яна.

— Унчалик эмас... хонадонлар кўп.

— Хонадон кўп бўлса, нима, беш-ўн кунлик ҳашарчиларни бўш хонадонларга жойлаштириш мумкин-ку, — дедим норозиланганимни яширмай. — Тўртта-тўртта қилиб тақсимлаб ташласалар олам гулистон-ку. Тўғрими?

Назаримда гапимни «Тўғрими?» деб савол оҳанги билан тугатганим йигитга ёқиб тушди шекилли, у сал-пал жонланди.

— Тақсимлашди, тўғри... кўпчилик уйини бўшатиб берди, хоҳламаганлар ҳам йўқ эмас... Ҳамманинг шароити бирдек эмас...

Мен бўш келмадим.

— Ўзингиз қаерда яшайсиз, ака, ҳашарчиларни уйингизга киритдингизми?

Йигит жим бўлиб қолди. У қаддини ростлади-да, бир-бир юриб мен томон яқинлашди. Шундагина унинг ўзимга қараганда ёш йигитча эканини кўрдим.

— Ё, иложингиз йўқми? — дедим уни ноқулай аҳволдан чиқариш ниятида.

— Иложим бор... — деди у ва яна нафаси ичига тушиб кетди. — Иложи бору... бизникига киришмайди-да...

— Ким кирмайди?

— Ҳашарчилар... Киришса ҳам, тезда айниб чиқиб кетишади... Уйимиз нобопроқ...

Шу гапни эшитдиму, менга жон кирди.

— Сизнинг нобоп уйингиз бизга жуда боп-да! — дедим овозимга атайин қувноқ тус бериб. — Қани, бошланг, ака! Ўша нобоп уйда яшамаган номард!

Йигитчанинг ҳурматини сақлаш ниятида уни ҳамон «ака»лайвердим.

... Уч ҳашарчи учта йиғма каравот, кўрпа-тўшак ва қопчиқларни ёйиб, жойлаб, бир зум нафас ростладигу, ўринга чалқанча ястаниб ўзимизга насиб этган «кошонамиз»ни кашф этишга киришиб кетдик. Пастаккина, шифтига чий қопланган, девори оҳакланган, деразa ойналари шапалоқдек, оёқ остидаги пол тахталарининг орасига унча-бунча китоб сиғиб кетадиган, зах иси уфуриб турган... шунга қарамай, биз ҳашарчиларни жойлаштиришга масъул катталар боягиндақа мужмаллик қилиб турган пайтда топилганига шукр, бунинг учун ҳамроҳлар менинг уддабуронлигимга тасаннолар ёғдиришди. Мен ўз шаънимга айтилаётган тасаннoларни мезбон укамиз Турсунбойга «узатавердим».

Турсунбойни шу уйга киргачгина, чироқ ёруғида аниқ-тиниқ кўрдим: йигирманинг нари-берисида, қилтириқ, новча, қоқ суяк билаклари узун-узун, чўзиқ юзидаги катта-ката кўзлари беихтиёр диққатни тортади, унинг нигоҳида қандайдир маъюсликми, хомушликми... ҳар қалай, шунга ўхшаш нимадир маъно пинҳондек эди. Биримиз қўйиб, биримиз олиб уни мақтайверганимиз сайин Турсунбой сиполик билан жилмайиб қўяр, афтидан кимсан шаҳардан келган кап-катта ҳашарчилар унинг уйига кирганимиздан боши осмонга етаётган, бироқ шунга қарамай...

Кейин билсам, у ўшанда, бугун бўлмаса, эртага бизни бу уйдан бош олиб чиқиб, бошқа жой ахтариб қолишади, деган хаёлга борган экан.

Биз ундай қилмадик, биз ҳашарнинг охирги кунига қадар Турсунбойникида яшадик. Бироқ...

Эътибор қилганмисиз — шаҳардан ташқарига тоғ сайлигами, боғ сайлигами чиққан одамлар ҳар қанча оғир-вазмин бўлмасинлар, бирдан «эшилиб» кетадилар, ўзларини андек эркин ҳис қилиб, шаҳардаги одатдаги сипочиликни унутадилар, шунга яраша ўйин кулги ҳам, ҳазил-мутойиба ҳам, ҳангомаю қаҳ-қаҳа ҳам чегара билмай қолади.

Шўро давридаги пахта терими мавсумлари биз учун ана шундай сайилнинг ўзгинаси эди. Тадқиқот институтимиздан бизни кузатаётганда профком Азим дарознинг ўзи айтди, «Жонни жабборга бериб териш шарт эмас, ўзи терадиган пахтаям қолмади, номига далада айланишиб юрсанглар бас» деди.

Ўзи асли мана шунақа қинғирликлару, ғирромликлар шўронинг бошига етди. Ҳашарга чиқдингми, терасан, алдам-қалдам кетмайди, олифтагарчиликни шаҳарда қиласан, деса ким нима дея олар эди, термай қаёққа борар эди?!.

Ҳа, энди уёғини қўяверинг... Эрталаб обдон уйқуни уриб, нонуштани аччиқ ичакдек чўзиб, кун терак бўйи кўтарилганда уйдан узун-қисқа бўлиб чиқамиз, этакларни елкага ташлаганча дала айланамиз, беш-ўн кило «подбор» терамизми-йўқми, эгат орасига ёнбошлаб, ҳангомани қизитамиз. Баъзан бекорчиликда ҳисоб-китоб қилгим келади, умримнинг қанчаси ҳангомага совурилдийкин, қанчаси гап-гаштакка, улфатчиликка учди-кетди?.. Бордию, ўшаларнинг барини фойдалироқ мақсадга сарфлаганимдами?! Хуллас, денг, эрталаб ҳам, пешинда ҳам, кечқурун-ку, бекорчи гап-сўзлардан кўнгил беҳузур бўлиб кетади... Дунёда айтилмаган гап, «ҳал» қилинмаган муаммо қолмайди, ақлимиз «етмаган» мавзу топилмайди...

Турсунбой билан ака-укалашиб қолдик. Шўрлик, ҳали этисуяги қотмаган, бундо-оқ турмуш тажрибасини орттирмаган беғуборгина бола уйланган, ҳатто яқинда ўғилчали ҳам бўлибди, хонадоннинг бош ва ёлғиз эркаги ҳам ўзи, ёши бир жойга бориб қолган онаси доим қовоғи тунд, худди аразлаган одамдек «чурқ» этмай ҳовлида куймаланишиб юрар, икки куннинг бирида бир қозон пистани қовуриб, орқалаганича бозорга равона бўлар, алламаҳалда ҳориб-толиқиб қайтар, Турсунбойнинг эса ишининг тайини йўқ, гоҳ тракторчиларга, гоҳ теримчиларга қўшилиб ўшаларнинг хизматини қилиб юрар, шунинг орқасида орттирган беш-тўрт чақаси билан рўзғор тебратар, уйда эса ёшгина, хушрўйгина келинчак йўргакдаги ўғилчасини бағрига босиб олди очиқ айвонда кўриниб қолар, баъзан худди оёғи куйган товуқдек ичкари уй билан ҳовли ўртасида зир югуриб қолар, бундай пайтларда айвонда биғиллаб йиғлаётган ўғилчасига ҳам қарамас, унинг бу қилиғини дабдурустдан тушуниш қийин, сўраб-суриштиришга эса тил бормас эди...

Биз ёш олимчалар, истасак, пахта терими «сайли»дан унумли фойдаланишимизга имкон топиш мумкин эди. Мисол учун ўзим тушликдан сўнг ҳамроҳларни даланинг ихтиёрига ташлаб, уларнинг кўзини шамғалат қиламан-да, пахтазорни четлаб ўтиб уйга қайтаман, юзқўлни ювиб, мутолаага бериламан! Пахта ҳашарининг энг мароқли дамлари ҳам шу! Корнинг тўқ, жимжит уй ихтиёрингда, йиғма каравотда гоҳ ёнбошлаб, гоҳ мук тушиб ҳушингга келганича ўқи, ёз! Ёш олим учун бундан ортиқ шарт-шароит катта?!

(Давоми бор.)

**Хуршид ДЎСТМУҲАММАД**



**Зебо Тиллова бир неча йилдирки Нишон туманидаги Қори Ниёзий номли 20-ўрта мактабда ёш авлодга мусиқа фанидан сабоқ бериб келяпти. У туман ва вилоят миқёсида ўтказилган бир қатор нуфузли кўрик-танловларда муваффақиятли иштирок этди. Адабиёт, санъат, шеърият ихлосманди, халқ оғзаки ижодини теран тушунади.**

**СУРАТДА: З. Тиллова ўғил-қизларга мусиқа фанидан сабоқ бераётган пайт.**

**А. ПАРДА олган сурат.**

*Спорт*

## ЎЗБЕКИСТОНЛИК СПОРТЧИ — БРОНЗА МЕДАЛЬ СОВРИНДОРИ

Жанубий Кореянинг пойтахти Сеулда дзюдо бўйича анъанавий халқаро турнир ниҳоясига етди. Унда 40 давлатдан 150 спортчи қатнашди. Жумладан, тўртта ўзбекистонлик дзюдочи — Алишер Мухторов, Андрей Штурбабин, Фарҳод Тўраев ва Мурод Камолов мазкур турнирда иштирок этди.

Турнир мусобақалари шу даражада кескин бўлдики, фақат Алишер Мухторовгина бронза медалини қўлга киритишга муваффақ бўлди. Андрей Штурбабин тўққизинчи ўринни эгаллади.

## ЖАМОАМИЗНИНГ ИККИ ҒАЛАБАСИ

Бирлашган Араб Амирликларида ўтказилаётган 2000 йилда Ливанда бўлиб ўтадиган футбол бўйича Осиё кубогининг саралаш мусобақалари қизғин паллага кирди. Ўзбекистонлик футболчилар ҳозиргача Бангладеш ва Шри Ланка спортчилари билан икки учрашув ўтказди. Ҳар иккала матчда ҳам терма жамоамиз бир хил — 6:0 ҳисоби билан ғалаба қозонди.

Олдинда Бирлашган Араб Амирликлари ва Ҳиндистон спортчилари билан бўладиган икки ўйин бор. Ўзбекистонликлар билан бўладиган учрашувдан олдин Бирлашган Араб Амирликлари спортчилари тўрт кун дам олиш имкониятига эга. Шунга қарамасдан, муваффақиятли ўйнаётган футболчиларимизнинг кайфияти кўтаринки.

(ЎзА.)

## ПОМИДОР

**ТАБИАТ ШИФОХОНАСИ**

Ўзбекистонда етиштириладиган помидор таркибида қанд миқдори 5 фоизга боради, шунингдек, унда органик кислоталар (олма, лимон кислотаси) аминокислоталар (глютамин, аланин, валин, тирозин, лейцин) С, В1, РР витаминлари, калий, кальций, магний, фосфор, темир тузлари, микроэлементлардан титан, хром, стронций, галлий, молибденлар бор.

Помидор таркибида йод бўлганлиги туфайли у атеросклероз юрак касалликларида, бедармонликда, камқонликда, шунингдек, семириб кетишга мойиллик бўлган кишиларга шифокор томонидан тавсия этилади. Шунингдек, у жигар, буйрак касалликларида ва модда алмашинуви номутаносиблигида истеъмол этилиши лозим.

Кишининг кундалик яшаш фаолияти учун зарур бўлган 50 мг витамин Сни иккита помидорни истеъмол этиш билан олиш мумкин.

**(«Шифобахш неъматлар» китобидан).**



# ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

**Республика Кўчмас мулк биржаси Тошкент вилояти филиали Сиз азизларни 1999 йил 10, 15, 22, 29 декабрь кунлари соат 11.00 да ўтказиладиган навбатдаги**

## Аукцион савдоларга таклиф этади

**Савдога қуйидагилар қўйилади:**

1. Бекобод туман Ҳокимиятига карашли:

- ГАЗ-24 русумли, давлат рақами 02—21 ТШВ бўлган, 1982 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт.

**Бошланғич баҳоси — 76000 сўм.**

- ГАЗ-2410 русумли, давлат рақами 01—63 ТШВ бўлган, 1989 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт.

**Бошланғич баҳоси — 227000 сўм.**

- ГАЗ-2401 русумли, давлат рақами 02—22 ТШВ бўлган, 1973 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт.

**Бошланғич баҳоси — 57000 сўм.**

- ВАЗ-21063 русумли, давлат рақами 99—85 ТША бўлган 1991 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт.

**Бошланғич баҳоси — 257000 сўм.**

2. Ангрен шаҳар ижтимоий таъминот бўлимига қарашли:

- М-21401 русумли, давлат рақами 20—93 ТША бўлган 1986 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт.

**Бошланғич баҳоси — 51000 сўм.**

3. Зангиота туман босмахонасига қарашли:

- БМВ-524ТД русумли, давлат рақами 05—99 ТШБ бўлган 1987 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт.

**Бошланғич баҳоси — 404000 сўм.**

4. «Ўзсувқурилиш»нинг 3-кўчма механизациялашган жамланмасига қарашли:

- КАМАЗ-5511 русумли, давлат рақами 48—72 ТШО бўлган, 1990 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт.

**Бошланғич баҳоси — 458000 сўм.**

**МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳар, Хоразм кўчаси 51 уй, 3-қават 9 ва 10 хоналар. Тел.: 132-00-37, факс: 133-49-31.**


# БЕНЗИН КАМАЙДИ, КИРА ҲАҚИ ОШДИ

**ТААЖЖУБ!**

Ҳозирги пайтда республикамизда тадбиркорликнинг энг тараққий этган турларидан бири ижарадаги ва шахсий автоуловларда йўловчи ташиш бўлса, ажабмас. Ана шу хизмат «шарофати» билан кўп жойларда давлат автобуслари тўхтаб қолгани ҳам рост.

Бу — яхшими, ёмонми, билмадим-у, лекин Жиззах вилоят йўлларида қатнаётган «РАФ», «Дамас», «Тико», «Жигули» ва бошқа русумлардаги автомобиллар соҳиблари йўловчиларни ташиш кира ҳақини деярли ойма-ой ошириб бораётгани ёмон бўлмоқда. Улар август ойигача «Гагарин—Дўстлик» йўналишида ҳар киши учун 50 сўмдан. «Дўстлик—Жиззах» йўналишида 100 сўмдан, «Дўстлик—Арнасой» йўналишида эса 40 сўмдан йўл пули олишарди. Август ойида нефть маҳсулотларининг чакана нархи ошиши баҳона бўлди-ю, кира ҳақини икки баравар кўтаришди.

Пахта йиғим-терими мавсумида давлат корхоналари автобусларининг ҳашарга жалб этилиши бу «тадбиркор»ларга тағин қўл келди. Улар кира ҳақини яна оширдилар. Дўстликдан Жиззах шаҳригача 250—300 сўм, Гагарин шаҳригача 125—150 сўм бўлди.

Сўнгги 15—20 кун ичида вилоятнинг Мирзачўл, Дўстлик, Арнасой, Зафаробод ва Пахтакор туманлари ҳудудидаги автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаларида бензин сотиш кескин камайди. Бу ҳол киракашлар тегирмонига яна сув қуйди. Энди улар «Дўстлик—Жиззах» йўналишида ҳар бир йўловчидан 350—400 сўмдан ҳақ олишмоқда.

Қизиқ кира ҳақи яна қанча ошиши мумкин? Бу саволни Гагарин шаҳридаги нефть корхонаси раҳбари Зиёдулла Худойбердиевга бергандим, у елка қисиб, «Биз айбдор эмасмиз, юқоридагилар бензин юбормаяпти» деб жавоб берди. Дўстлик туманлараро нефть маҳсулотлари билан таъминлаш корхонаси директори Бобоқул Эргашев ҳам «ўша ёққа» ишора қилди. Билмадим, вилоят нефть корхоналари бошқармаси раҳбарлари нима дейишаркин? Йўловчилар ташиш бўйича нархларни назорат қилувчи ташкилот ва идоралармчи?

**К. ЖЎРАЕВ,**
**«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**

## КИШИНИНГ ГЎЗАЛЛИГИ — УНИНГ ТИЛИДАН БИЛИНУР

**Донолар дейдиларки...**

*¤ Имонли одам ваъдасига вафодор бўлади.*

*¤ Кишининг гўзаллиги — унинг тилидан билинур.*

*¤ Тонгги уйқу ризқни қисқартиради.*

*¤ Ҳеч бир ота ўз фарзандига хулқу одобдан буюкроқ мерос қолдирмайди.*

*¤ Адолат тарозиси билан иш кўринг! Шунда иззатда яшайсиз.*

*¤ Фарзандларингизни ҳурмат қилинг, илло улар ҳам ҳурматларини меҳр ила қайтарурлар.*

*¤ Дилозорларнинг ҳаммаси дўзахга маҳкумдир.*

*¤ Илм ибодатдан афзалдур.*

*¤ Яхши гумон қилиш ҳам яхши ибодат қилиш билан баробардир.*

*¤ Инсон хатони кўпроқ ўз тили билан қилади.*

*¤ Киши ўз дўстининг динy диёнатига мослашиб кетади. Бинобарин, ким билан дўстлашаётганингизни ўйлаб иш тутинг.*

## БЕҲИЛИ ҚОВУРМА

**ПАЗАНДА МАСЛАҲАТИ**

1 кг. беҳи, 550 г гўшт, 3 бош пиёз, 100 г. мой, туз, зиравор ва ошкўклар талабга кўра.

Ёғли гўштни майда қилиб тўғрайсиз. Пиёзни паррак-паррак қилиб, гўштга қўшиб туз, зираворлар ҳамда ошкўклар билан бирга қовурасиз. Беҳининг уруғини тозалаб, тилимларга ажратасиз.

Дастлабки қаватига тайёрланган гўшт, сўнгра иккинчи қаватга беҳи териб, устидан сув сепасиз ва паст оловда кавламасдан 50 минут пиширасиз. Тайёр таомни ликопларга солиб, бетига кўк пиёз ёки кашнич сепиб дастурхонга қўясиз.


Тошкент вилояти Қибрай туманидаги 16-ўрта мактаб томонидан 1990 йили Расулматов Одилжон Джумабоевич номига берилган ўрта маълумот ҳақидаги Д № 760885-рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ширкат хўжалиги мақомини олаётганлиги муносабати билан Тошкент вилояти Қибрай туманидаги «Маданият» жамоа хўжалиги тугатилади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

# «ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ» СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ




**Азиз газетхон!**

**Сиз, «Қишлоқ ҳаёти»га обуна бўлдингизми?**

**Йил-ўн икки ой хонадонимга маънавият кириб борсин, нур кириб борсин десангиз, «Қишлоқ ҳаёти»га ёзилинг! Газетамиз билан ошно бўлсангиз иқтисодий-сиёсий, ижтимоий-маданий ҳаётдаги кундалик энг муҳим янгиликлардан вақтида хабар топасиз. Дунё воқеаларидан воқиф бўласиз. Ғаройиб ҳодисалар хусусида қизиқарли мақолалар ўқийсиз.**

**2000 ЙИЛ УЧУН ОБУНА БЎЛИШГА ШОШИЛИНГ!**

***«Қишлоқ ҳаёти» — Сизнинг энг яқин ҳамроҳингиз, суҳбатдошингиз!***

***«Қишлоқ ҳаёти» газетасининг нашр индекси — 144.***

**Хўжалик раҳбарлари, тадбиркорлар диққатига**

## СУТ КОРХОНАСИ КЕРАКМИ? МАРҲАМАТ!

**Тошкентдаги ташкилот сутни қайта ишлаб, творог, пишлоқ, қаймоқ, сариёғ, сметана, бринза сингари маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган корхонанинг зангламайдиган металлдан Россияда тайёрланган ускуналарини ўрнатиб, ишга тушириб беради ва ходимларингизни улардан фойдаланишга ўргатади.**

**Телефонлар: 64-64-85; 74-53-88**



Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТ

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:** Бахтиёр ОЛИМЖОНОВ, Олим АТАЕВ, Абдурашид БОБОМИРЗАЕВ, Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ (ижодий гуруҳ раҳбари), Эркул ЗИКРИЁЕВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Собир МУРОДОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосарлари), Маъмуржон ҚИЁМОВ (масъул котиб).

**МУАССИСЛАР:** *Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзпахтасаноатсотиш» уюшмаси, «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компанияси, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.*

Телефонлар: Бош муҳаррир ўринбосарлари — **133-16-27, 133-44-43,** масъул котиб — **136-56-26,** ижодий гуруҳлар: агросаноат мажмуи — **133-09-93,** ижтимоий ҳаёт ва ҳуқуқ, молиявий хизмат — **136-56-30,** макроиқтисодиёт — **136-56-25,** маънавият-маърифат ва спорт — **136-54-42,** хатлар ва вилоят мухбирлари билан ишлаш — **136-56-30,** реклама ва эълонлар — **136-54-44.**

**МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32**

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

«Қишлоқ ҳаёти» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Рўйхатдан ўтиш тартиб рақами 00006. Буюртма Г— 0901. ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган. қоғоз бичими А-2. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди 20.30. 1 2 3 3 4 6